

**“Сурхондарёдонмахсулотлари”
акциядорлик
жамиятини**

2025 йил учун

“БИЗНЕС – РЕЖА”

Термиз-2024 йил

«ТАСДИҚЛАНГАН»

Кузатув кенгаши раиси

2024 йил «04» Сентябр даги

03 -сон баённома



«Сурхондарёдонмахсулотлари» АЖнинг

2025 йил учун

БИЗНЕС РЕЖАСИ

Давлат номидан акциядор
(иштирокчи, таъсисчи) функциясини
бажарувчи ташкилот номи

“Уздонмахсулот” АК

Идоравий мансублиги

Акциядорлик жамияти

Почта манзили, е-хат манзили
(ёки электрон почта манзили)

Термиз шаҳар «Дехотий» кучаси
1 уй Surxondon 123@mailru,
www.Surxondon.uz

СТИР

200471786

Ижроия органи раҳбари

М.Ташматов

Бош бухгалтер

У.Эргашов

«ТАСДИҚЛАНГАН»

Кузатув кенгаши раиси

Ш.Донаев

2024 йил «04» сентябрдаги

03 -сон баённома

«Сурхондарёдонмахсулотлари» АЖнинг

2025 йил учун

БИЗНЕС РЕЖАСИ

Давлат номидан акциядор
(иштирокчи, таъсисчи) функциясини
бажарувчи ташкилот номи

“Уздонмахсулот” АК

Идоравий мансублиги

Акциядорлик жамияти

Почта манзили, е-хат манзили
(ёки электрон почта манзили)

Термиз шаҳар «Дехотий» кучаси
1 уй Surxondon 123@mailru,
www.Surxondon.uz

СТИР

200471786

Ижроия органи раҳбари

М.Ташматов

Бош бухгалтер

У.Эргашов

МУНДАРИЖА

I. Корхона тўғрисида умумий маълумот

- 1.1 Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти);
- 1.2 Корхона тарихи, охириги йилларда эришган ютуқлари;
- 1.3 Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати;
- 1.4 Корхона ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот;
- 1.5 Кадрлар сиёсати, ишчи-ходимлар, жумладан, корхона бошқарув ва ижроия органи аъзолари тўғрисида маълумот, ижтимоий ҳимоя;
- 1.6 Корхонанинг бозордаги ўрни ва аҳамияти, шу жумладан халқаро бозордаги мақеи;
- 1.7 Корхонада жорий этилган сифатни бошқариш тизими

II. Корхонани ислох қилиш

- 2.1 Истиқболли ривожланиш стратегияси;
- 2.2 Ислох қилиш мақсади ва босқичлари;
- 2.3 Ислох қилишнинг 2025 йил учун режаси;

III. Бозор ва маркетинг режаси

- 3.1 Бозор таҳлили
- 3.2 Маҳсулот (хизмат)нинг асосий истеъмолчилари, таркиби
- 3.3 Рақобат
- 3.4 Маркетинг режаси

IV. SWOT-таҳлили

V. Энерго ресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи

- 5.1. Қувватларни модернизация ва реконструкция қилиш орқали энергияни тежаш ва самарадорликни ошириш бўйича Техник сиёсати

VI. Кўрсаткичлар

6.1 Ишлаб чиқариш режаси

- 6.1.1. Хомашё захираси;
- 6.1.2. Тайёр маҳсулотнинг асосий тавсифлари
- 6.1.3. Жорий (2 йиллик) ишлаб чиқариш ҳолати
- 6.1.4. Ишлаб чиқариш ва сотиш режаси

6.2 Молиявий режа

- 6.2.1 Жорий (2 йиллик) молиявий кўрсаткичлар
- 6.2.2 Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар режаси (бюджетси)

6.2.3 Даромадлар шаклланишининг асосий манбаи (нархлар прогнози)

6.2.4 Харажатлар ва таннархни оптималлаштириш.

6.2.5 Пул оқимлари прогнози

6.2.6 Молиявий барқарорлик, ликвидлилик ва тўлов қобилияти, қарздорлик (ички ва ташқи), кредитлар юки

6.2.7 Давлат бюджетига тўловлар прогнози

6.2.8 Молиявий кўрсаткичларнинг ўхшаш корхоналар билан солиштирилиши (бенчмаркинг)

VII. Иш хақи тўлаш тизими

VIII. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI)

IX. Ташқи иқтисодий фаолият режаси (экспорт ва импорт)

X. Маҳаллийлаштириш

XI. Инвестиция лойиҳалари

XII. Бизнес рискларни (таваккалчиликларни) бошқариш

XIII. Экология ва атроф муҳитга таъсири

XIV. Иловалар

14.1 Маҳсулот ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) ҳажми

14.2 Таннархни камайтириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар

14.3 Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш режа-жадвали

14.4 2023 йилда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг асосий кўрсаткичлари

14.5 Кутилаётган бухгалтерия баланси (чораклар кесимида)

14.6 Кутилаётган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (ўсиб боровчи тартибда чораклар кесимида)

14.7 Даромадлар ва харажатлар сметаси (бюджети)

14.8 Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари

Жамият ҳақида умумий маълумот Жамиятнинг асосий фаолият турлари

Жамиятнинг 2025 йилга мўлжалланган иқтисодий ва молиявий режа кўрсаткичлари, маркетинг, ишлаб чиқаришни хом ашё, материаллар ва энергия ресурслари билан таъминлаш, жамият бошқарув органлари, кадрлар сиёсати, иш хақи кўрсатилган.

«Сурхондарёдонмахсулотлари» акциядорлик жамияти Сурхондарё Вилоят Давлат Мулк Қўмитасининг 1994 йил 21-декабрдаги № 953 - сонли буйруғига асосан акциядорлик жамиятига айлантирилган.

Термиз шаҳар ҳокимлиги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан утказиш инспекцияси томонидан 2014 йил 01-ноябрда 477-894 реестр тартиби билан қайта рўйхатдан утказилиб № 138-сонли гувоҳнома берилган.

«Сурхондарёдонмахсулотлари» акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тугрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 мартдаги 171-сонли Қарори, «Объектларни хусусийлаштириш чора-тадбири режаси»га ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармасининг 1994 йил 21 декабрдаги 953-сонли буйруғига асосан «Ўздонмахсулот» Давлат корпорациясига қарашли Сурхондарё вилоят дон махсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмасини очик турдаги акциядорлик жамиятига айлантириш (хусусийлаштириш) йўли билан ташкил этилган бўлиб унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Бизнес-режа доимий ҳужжат бўлиб, мунтазам янгилаб борилади, унга ҳам корхонанинг ичида, ҳам умуман иқтисодиётдаги шароитларга қараб рўй берган ўзгаришлар киритилади.

Бизнес –режа жамият тараққиётининг умумий концепциясига асосланган бўлиб, ривожланиш стратегиясининг иқтисодий ва молиявий жиҳатларини бир мунча батафсил баён этади, аниқ чора-тадбирларни техник-иқтисодий жиҳатдан асослаб беради. У стратегиясини амалга ошириш техник, ташкилий ва иқтисодий ўзгаришларнинг маълум вақтгача узаро маҳкам боғланган бутун бир тизими сифатида тузилган кенг инвестиция дастурларига асосланади.

Бизнес-режа одатда бир неча йил ичида амалга ошириши керак булган ишларнинг бир қисмини уз ичига олади.

Ушбу бизнес-режа Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тугрисида»ги 2015 йил 24-апрелдаги ПФ-4720-сонли фармони, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28-апрелдаги «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тугрисида»ги ПК-2340-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 июлдаги 176 сонли ва 2015 йил 28 июлдаги 207 сонли, 2020 йил 9 декабрдаги 775 сонли қарорлари ва

шунингдек, *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-майдаги «Галлани этиштириши ва сотишда бозор тамойилини хорий этишининг қушимча чора-тадбирлари тугрисида»*ги № ПК-262-сонли қарори, *Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 30-майдаги 284-сонли қарори*, ҳамда *«Ўздонмахсулот» АҚнинг 2022 йил 30 майдаги 8-сонли буйруғи талабларининг ижросини таъминлаш ҳозирги куннинг тез ва сифатли юқори савияда бажариши лозим булган ута муҳим вазифалари ҳисобланади. Шунга асосан, «Сурхондарёдонмахсулотлари» акциядорлик жамиятининг 2025 йилга мўлжалланган инвестиция дастури, уни амалга ошириши манбалари келтирилган булиб, охириги хотима бўлимида йил давомида амалга ошириладиган чора-тадбирларни самарадорлиги ҳақида сўз юритилади.*

«Сурхондарёдонмахсулотлари» акциядорлик жамияти 2025 йилда ўз «Низом»ида кўрсатилган фаолиятни амалга оширишни қуйидагича белгилайди:

- *Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида фаолият кўрсатиб;*
- *Сурхондарё вилояти аҳолисини ун, нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш, чорвачилиқни омухта еш шу билан биргаликда фермер хужалиқларни уруғлик дон билан таъминлашни;*
- *Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлари асосида четга дон ва дон маҳсулотларини ва ун ва ун маҳсулотларини экспорт қилади;*
- *Ишлаб чиқаришни доимий ривожлантириши мақсадида илмий – техник, иқтисодий асосланган ҳолда технологик қайта қуроллантиришни амалга оширишни;*
- *Дон ва дон маҳсулотларини, бошқа қишлоқ хужалиқ маҳсулотларини сотиб олишни, уларни давлат эҳтиёжига, шунингдек бошқа истеъмолчиларнинг буюртмасига асосланиб қайта ишлаб беришни ўз зиммасига олади.*
- *Шунингдек, амалдаги қонунлар билан таъқиқланмаган фаолият натижасида даромад олиш, акциядорлар ва меҳнат жамоаси аъзоларининг моддий ва ижтимоий эҳтиёжларини таъминлашни таъмин этади.*

«Сурхондарёдонмахсулотлари» акциядорлик жамиятининг устав фонди 1 миллиард 776 миллион 058 минг сумни таъмин этади. Ҳозирги кунда бир дон акциянинг номинал қиймати 1000 сумлик булган 1 миллион 776 минг 058 дон акция чиқарилган

I. Корхона тўғрисида умумий маълумот

1.1. Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти)

№	Кўрсаткичлар номи	Маълумотлар
1	Жамият номи	«Сурхондарёдонмахсулотлари» акциядорлик жамияти;
2	Ташкилий-ҳуқуқий шакли	Акциядорлик жамияти
3	Фаолият тури	Ун, омухта ем, уруғлик бугдой ишлаб чиқариши
4	Тармок	Ун махсулотлари ишлаб чиқариши
5	ЮРИДИК МАНЗИЛИ	Ўзбекистон Республикаси, Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри, Дехотий кучаси 1 уй
6	Устав капитали	1 млрд 776 млн 058 минг сум
7	Чиқарилган акциялар	1776058
8	Статистик таснифлари	ОКПО 1722401
9	СТИР	200471786
10	Ҳисоб рақами ва хизмат курсатувчи банк	х/р 20210000900193989001; МФО 00325; АТБ «АГРО банк» Термиз шаҳри
11	Умумий ер майдони	52,29 га
12	Бино ва иншоотлар майдони	784,4 кв.м
13	Ишлаб чиқариш майдони	4444,6 кв.м
14	Инфратузилмаси	
15	Ишчилар сони	199
16	Ишлаб чиқариладиган махсулотлар тури	Ун, омухта ем, нон ва нон махсулотлари
17	Асосий хом ашёси	Бугдой, уруғлик материал, доғни қайта ишлашдан чиқадиган иккиламчи махсулотлар, ҳамда қушимча сотиб олинладиган хом-ашёлар
18	Экспорт қилинадиган махсулотлар ва давлатлар	Ун ва доғ махсулотлари, (Авғонистон республикаси, Тожикистон республикаси)

1.2. Жамият тарихи, охирги йилларда эришган ютуқлари

Жамият 1935 йилда Сурхондарё вилояти «Дон кабул қилиш» пункти деб ташкил топган.

Фаолият давомида 1935-1962 йилларда дон кабул қилиш пункти,

1962-1970 йилларда Термиз шаҳар 17-сон ун комбинати,

1970-1976 йилларда Термиз дон маҳсулотларини сотиш базаси,

1976-1988 йилларда Сурхондарё вилояти дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошқармаси,

1988-1994 йилларда «Сурхондарё дон маҳсулотлари территориал ишлаб чиқариш бирлашмаси»

1994-2004 йилларда «Сурхондарё дон маҳсулотлари» ишлаб чиқарувчилари

ҳиссадорлик уюшмаси,

2004 йилдан буён «Сурхондарё дон маҳсулотлари» акциядорлик жамияти деб юритиб келинмоқда.

Жамиятга қарашли 5 та дон маҳсулотларини кабул қилиш шахобчаси, 1 та ун ишлаб чиқариш, 1 та омухта ем ишлаб чиқариш, 4 та уруғликни қайта ишлаш ҳамда 6 та нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш маъсулияти чекланаган жамиятлари, жумладан;

Ангор, Жарқургон, Музработ, Шеробод ва Термиз дон маҳсулотларини кабул қилиш шахобчалари; Жарқургон туманидаги Алпомиш, Термиз шаҳридаги эски ва янгидан қурилган Термиз ун тегирмон цехлари, "Сурхон Шеробод Иссик нон", МЧЖ "Сурхон нон Истикбол Сари" МЧЖ, "Файёзтепа Бактрия Иссик нон" МЧЖ, "Ангор Барақали нон" МЧЖ, "Жайхуннинг Иссик нонлари" МЧЖ, "Она Диёр Иссик нон" МЧЖ нон ишлаб чиқариш маъсулияти чекланган жамиятлари, Жарқургон туманидаги Алпомиш ун тегирмони ҳудудидаги ва Термиз дон кабул қилиш шахобчаси ҳудудидаги омухта ем ишлаб чиқариш цехлари, Жарқургон, Музработ, Термиз ва Шеробод туманларидаги уруғлик донни қайта ишлаш цехлари мавжуд.

Жамиятга қарашли 5 та дон кабул қилиш шахобчалари томонидан:

2023 йил якуни буйича 90155,45 тн галла, жумладан товар дон 84019,78 тн, 6135,67 тн уруғлик дон кабул қилинди.

2024 йил якуни буйича 96156,15 тн галла, жумладан товар дон 89591,41 тн, 6564,74 тн уруғлик дон кабул қилинди.

Жамият таркибидаги уруғлик ишлаб чиқариш цехлари томонидан:

2023 йил якуни буйича 6135 тн,

2024 йил якуни буйича 6565 тн уруғлик бугдой кабул қилиниб, қайта ишланиб, фермер хужаликлари ва кластерларга сотилди.

Жарқургон туманидаги Алпомиш ун тегирмони цехи ва Термиз шаҳридаги янги Термиз ун тегирмони цехлари томонидан:

2023 йил якуни буйича 1805 тн

2024 йил якуни буйича 61 тн ун маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Термиз шаҳридаги Термиз омухта ем цехлари томонидан:

1.3. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати

Жамиятнинг ишлаб чиқариш қуввати ўз ичига қуйидагиларни олади:

Технологик жиҳозларга эга асосий ишлаб чиқариш цехлари ва ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажми.

Термиз Ун ишлаб чиқариш тегирмони – 300 тн/ суткада бугдойни қайта ишлаш

Термиз Омукта ем ишлаб чиқариш цехи - 120 тн / суткада

- Асосий ишлаб чиқариш корпуси, хом ашё сизими ва тайёр маҳсулотлар омборхонаси ва премикс цехи мавжуд бўлган Омукта цехи.

- Ишлаб чиқариши 960 тонна/суткасига уруғлик цехи.

- Шунингдек, корхонанинг комплексида сизими 20 минг. тоналик 2 та элеватор, 128 минг тонналик 5 та ёпиқ сизимлар мавжуд.

Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш даражаси

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Қуввати	Қувватдан фойдаланиш			
				2023 й.	%	2024 й.	%
1.	Ун 1-навли	Тонна	64350	1805	2,8	61	0,1
2.	Омукта ем	Тонна	17160	1130	7,2	510	6,6
Жами							

1.1-навли ун ишлаб чиқариш буйича:

2024 йил якуни буйича ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш йиллик қуввати 64350 тоннани ташкил этади. 2025 йилни якуни буйича кутилаётган ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1200 тоннани ташкил этилиш кутилмоқда. Мавжуд қувватлардан 1,9 % фойдаланилади. Қувватлардан тулик фойдалана олмаслик сабаби, хом ашё (бугдой) сотиб олиш учун жамиятнинг айланма маблағлари етишмаслиги, сотиб олинаётган хом ашёнинг қимматлиги ва биржада берилаётган таклифлар арзонлиги ҳисобланади.

Бу борада айланма маблағларни тулдириш мақсадида жамиятнинг 107 млрд 803 млн сумлик дебитор қарздорликларни ундириш ҳисобига айланма маблағларни тулдириш кузда тутилмоқда. Хар ойда ун ишлаб чиқариш учун бугдой хариди учун ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар ун сифатини яхшилаш, таннархини тушириш, маркетинг хизматини яхшилаш, узлуксиз сотишни ташкил этиш, банк кредитларидан фойдаланмаслик чоралари курилади.

2. Омукта ем ишлаб чиқариш буйича:

2024 йил якуни буйича омукта ем ишлаб чиқариш йиллик қуввати 17160 тоннани ташкил этади.

Ҳақиқатда 2025 йилни якуни буйича кутилаётган омукта ем маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 500 тоннани ташкил этилиш кутилмоқда. Мавжуд қувватлардан 2,9 % фойдаланилади.

Кувватлардан тулик фойдалана олмаслик сабаби, хом ашё (кепак, дон чикиндиси ва кушимча хом ашё) сотиб олиш учун жамиятнинг айланма маблаглари етишмаслиги хисобланади.

Бу борада айланма маблагларни тулдириш мақсадида жамиятнинг 107 млрд 803 млн сумлик дебитор қарздорликларни ундириш хисобига айланма маблагларни тулдириш кузда тутилмоқда.

1.4. Корхонанинг ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот

Корхонанинг ташкилий тузилмаси

«Сурхондарёдонмахсулотлари» акциядорлик жамиятининг олий бошқарув органи бу- акциядорларнинг умумий йиғилиши хисобланади. Умумий йиғилиши «Акциядорлик жамиятлари ва акционерларни ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан 1 йилда камида 1 марта утказилади.

Жамиятнинг ташкилий схемаси қайтадан тузилди, унда миноритар акциядорлар кумитаси, қузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, ички аудит хизмати, бошқарув раиси ва унга тўғридан-тўғри бўйсунадиган ишлаб чиқарини маҳалийлаштириши ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириши масалалари бўйича директор ва молиявий масалалар ва сотиш бўйича директор, бошқарув раис уринбосари Бошқарув раис уринбосари («Лойиха офиси»ни жорий этиш ва унинг фаолиятини мувофиқлаштириши масалалари бўйича) ва уларга бўйсунувчи 21 та булим ва хизматлар бириктирилди.

Хар бир булим ва хизмат турлари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 июндаги «Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг янгиланган классификаторларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 164-сонли қарорига мувофиқлаштирилган ҳолда ходимларнинг лавозим йуриқномалари ишлаб чиқилган.

Жамиятнинг ҳозирги кундаги ташкилий тузилмаси қуйидагича:

Жамият Қузатув кенгаши сайланган даврида жамият фаолиятига умумий раҳбарлик қилади.

Жорий тезкор бошқарув ва хужалик фаолиятига жамиятнинг бошқаруви раҳбарлик қилади.

Жамиятнинг тафтиш комиссияси молия-хужалик фаолиятини тафтиш қилиш учун сайланади.

Жамиятнинг ҳозирги кундаги ташкилий тузилмаси қуйидагича:

Жамият Қузатув кенгаши сайланган даврида жамият фаолиятига умумий раҳбарлик қилади.

Жорий тезкор бошқарув ва хужалик фаолиятига жамиятнинг бошқаруви раҳбарлик қилади.

Жамиятнинг тафтиш комиссияси молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш учун сайланади.

Жамият ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси

Жамият ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмасига қуйидаги раҳбарлар қиради:

№	Фамилия, исми ва шарифи	Лавозими
1	Ташматов Музаффар	Бошқарув раиси
2	Исаев Файзуллоҳаджа	Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноатда кооператив алоқаларни кенгайтириш бўйича директор
3		Молиявий масалалар ва сотиш бўйича директор
4	Эргашов Уктам	бош ҳисобчиси

Жамиятни бошқарув органи - Акциядорлар умумий йиғилиши. Унинг ваколатларига низомни тасдиқлаш йиллик ҳисоботларни, олинган даромадларни тақсимлаш каби ваколатлар қиради. Умумий йиғилишлар жамият кузатув кенгаши томонидан бошқарилади.


Жамиятнинг жорий хўжалик фаолиятини бошқариш коллегиял ижроия органи - бошқарув ҳайати томонидан, функционал департамент структураси, яъни фаолиятнинг барча соҳалари бўйича чегараланган мажбуриятларни бўлинмаларга юклатиш принципи асосида амалга оширилади

1. *Акциядорларнинг Умумий йиғилиши*
2. *Кузатув Кенгаши*
3. *Ижроия органи*

Корхона ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси (схема)

“СУРХОНДАРЁДОНМАХСУЛОТЛАРИ”

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



**Жамият тизимига кирувчи ташкилотлар рўйхати:
(инвестициялари, юридик шахс мақомига эга бўлмаган тузилмалар,
филиаллар)**

№	Корхона номи	Улуш милдори (%)	Устав капитали (баланс қиймати)	Фаолият йўналиши	Олинган даромад (дивиденд)		Киритилган инвестициялар	
					2023й.	2024й.	2023й.	2024й.
1. Тизимдаги корхоналар								
1.	Ангор Дехкон бозори дирекцияси	16,1	500000	Озик оват махсулоти				
2.	Нурли Келажак омад Сари МЧЖ	100	1730438	Транспорт хизмати				
3.	Сурхон Мева Сархади МЧЖ	100	200000	Экспорт хизмати				
4.	Ангор Баракали нон МЧЖ	100	2033726	Нон ишлаб чикариш				
5.	Сурхондон ММТП	100	31240	Транспорт хизмати				
6.	Сурхондон Музработ ш/к	100	84526	Транспорт хизмати				
7.	Сурхондон парранда ш/к	100	502473	Товуқчилик				
8.	Файёзтепа Бактрия Исик нонлари МЧЖ	100	145356	Нон ишлаб чикариш				
2. Носоҳавий активлар								
9.	“Сурхондарёдон махсулотлари” АЖга карашли	100	5071514	Коп ишлаб чикариш				
3. Бўш турган объектлар ва қувватлар								
10.								
	Жами	10395953						

минг. сўм

1.5. Кадрлар сиёсати, ишчи-ходимлар, шу жумладан, корхона бошқарув ва ижроия органи аъзолари тўғрисида маълумот, ижтимоий ҳимоя

Жамиятда 2024 йилда 1-декабр ҳолатига 199 ишчи -ходим фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан 186 та эркак, 13 та аёлларни ташкил қилади. Жамиятимизда фаолият кўрсатаётган идора ходимлари-23 та. Асосий фаолиятда- 149 та ишчи;

№	Фаолият тури	Ходимлар сони	Иш ҳақи жамғармаси
1	Асосий фаолиятдагилар	176	144 266 602
2	Шу жумладан: Идора ходимлари	23	49 600 318
4	Жами:	199	193 866 920

Жамиятда иш кучи ресурслари билан тулиқ таъминланган. 2025 йилда жами ишловчиларнинг уртача сони 199 кишини ташкил этиши кўтилмоқда. Мутахассис кадрлар билан етарли таъминланган.

Жамият маъмурий бошқарув аппарат ва ишлаб чиқариш булим бошлиқлари таркиби асосан олий маълумотлидир.

Ёш малакали мутахассисларни жалб масаласи жуда ҳам муҳимдир. Бу тоифадаги мутахассисларни жалб қилиш учун Ўзбекистон Республикаси ОУЮ (ВУЗ) лари билан доима иш олиб борилмоқда. Жамиятда кадрлар малакасини ошириш ва юқори малакали кадрлар билан тўлдириш, замонвий компьютер техникаси ва дастурлаш маҳсулотлари билан тўлдириш ишлари доимо олиб борилмоқда. «Сурхондарёдонмахсулотлари» АЖ ходимларини, шунингдек аёллар ва кам таъминланганлар ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида,

жамиятнинг меҳнат жамоаси ходимларининг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишда ёрдам кўрсатишни, жамият ходимларига ижтимоий имтиёзлар ва кафолатлар бериш,

жамият ходимлари меҳнатини рағбатлантириш мақсадида йил давомида виждонан меҳнати учун алоҳида ўрин эгаллаган ходимларни рағбатлантириш, ходимларни моддий мукофотлар билан рағбатлантиришни назарда тутиш,

жамият томонидан муҳим саналарда ходимларга мукофотлар беришни назарда тутати:

Мустақиллик куни - 1 сентябрь (виждонан меҳнати билан ажралиб турганлар);

Конституция куни - 8 декабрь (виждонан меҳнати билан ажралиб турганлар);

Наврўз байрами - 21 март

Халқаро хотин – қизлар куни - 8 март

Диний байрамлар - "Рўза хайити" (Ийд-ал-Фитр)
- "Қурбон хайити" (Ийд-ал-Адха)

Жамият иш стажига қараб ходимларни пенсияга чиқиши муносабати билан уларни бир ойлик маош миқдорда моддий мукофотлар билан тақдирлашни таъминлайди.

Жамият томонидан ходимларни ижтимоий химоя қилиш мақсадида, йил давомида жамиятнинг эҳтиёжманд ходимларига моддий ёрдам кўрсатиш режаси яратилган.

Жамият ходимларига қуйидаги ҳолларда моддий ёрдам кўрсатишни таъминлайди:

а) ходимнинг ўлими муносабати билан, дафн маросими учун - Ўзбекистон Республикасида тайинланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 -25 (ўн беш, йигирма беш) баробари миқдорида;

б) ходимнинг яқин қариндошининг (эри, хотини, отаси, онаси, фарзандлари) вафоти муносабати билан - Ўзбекистон Республикасида тайинланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 (ун беш) баробари миқдорида;

в) ходим ва фарзандларининг никоҳи муносабати билан - Ўзбекистон Республикасида тайинланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 10-20 (ун, йигирма) баробари миқдорида;

г) 50-ёш, 54-ёш (аёл.), 55-ёш (эрк.), 60-йиллик юбилеи муносабати билан Ўзбекистон Республикасида тайинланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 10-20 (ўн, йигирма) баробарига;

д) иш жойида шикастланган ёки соғлигига зарар етказилган ишчи ва хизматчиларга соғлиқ даражасидан Ўзбекистон Республикасида тайинланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 (ўн) баробари миқдорида моддий ёрдам берилади;

Жамият ишчи ходимлари таътилга бир ойлик маош миқдорида моддий ёрдам берилади.

Жамият ишчи-ходимларининг болалари учун соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланма нархининг 70% тўлови;

жамият ишчи-ходимлари учун соғломлаштириш сиҳатгоҳларига йўлланма нархининг 55% тўлови (касаба уюшмаси ҳисобидан копланеди);

қиш мавсумига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиб бериш қийматини тўлиқ тўлаб бериш;

янги йил совгалари (жамият касаба уюшмаси тасдиқлаган рўйхати бўйича);

Жамият 21 март куни-Наврўз байрами муносабати билан ташкилот маблағлари ҳисобидан жамият ишчи - ходимлари учун байрам дастурхони ташкил этишни режаси яратилган.

Жамият ходимларига ходимларнинг фарзандларини Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида ўқитиш учун (шартнома бўйича) моддий ёрдам кўрсатади. Кейинчалик маблағ ходимнинг иш ҳақидан ушлаб қолинади.

Жамият ходимнинг ёзма аризасига кўра ходимнинг иш ҳақидан ушлаб қолган ҳолда коммунал тўловларини (газ, сув, электр энергияси) тўлашни таъминлайди.

Жамиятнинг ҳар бир ишчи-ходимиغا бир иш кунини учун 42 364 сўм миқдорда иш жадвалига мувофиқ тўлиқ кунлик овқатланиш(тушлик) учун харажатларни қоплашни назарда тутаяди.

Корхонанинг бошқарув органлари тўғрисида маълумот

Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари амалдаги қонунчилик ва мазкур Устав асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 7 кишидан иборат.

Жамиятнинг бошқарув органлари тўғрисида маълумот

№	ФИШ	Ловозими (иш жойи), фаолият кўрсатиш даври	Корхонадаги улуши
I. Акциядорлар (иштирокчи, мулкдор)			
1.	Акциядор (иштирокчи, мулкдор)	«Ўздонмахсулот» АК «Агрофирма Сохибкор»	Акциядорлар: ▪ Йирик акциядорлар – 88,58% (1573249 дона акция) ▪ Юридик шахслар – 0,02% (374 дона акция) ▪ Жисмоний шахслар - 11,4% (202435 дона акция)
II. Кузатув кенгаши аъзолари			
1.	Шерали Донаев	"Ўздонмахсулот" АК ДР ва УТТЭ бошқарма бошлиғи (2023 йилдан)	-
2.	Жовлон Жўракулов	"Ўздонмахсулот" ДР ва УУТБ мутахассиси (2023 йилдан)	
3.	Ният Саидов	"Ўздонмахсулот" АК бош ҳисобчи в.б (2019 йилдан)	
4.	Машрабжон Хошимов	"Ўздонмахсулот" АК М ва БХБ етакчи ҳисобчиси (2019 йилдан)	
5.	Азиз Игамқулов	"Ўздонмахсулот" АК АКТ етакчи мутахассис (2023 йилдан)	
6.	Бозорова Халима Хужамбердиевна	Акциядор (2012 йилдан)	5,93% (105357 дона акция)
7.	Алтибоева Муҳаббат Тухтаевна	Акциядор (2018 йилдан)	

1.6. Жамиятнинг бозордаги ўрни ва аҳамияти, шу эсумладан халқаро бозордаги мақеи

«Сурхондарёдонмахсулотлари» акциядорлик жамияти барча ишлаб-чиқарилган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва Ҳукумат қарорларига асосан четга экспорт қилиши мумкин. Асосий истеъмолчилари ун маҳсулотининг сотиб олиш, чорвачиликни ривожлантириш учун омухта ем маҳсулотларини сотиб олиш, ҳамда нон ва нон маҳсулотларини сотиб олувчи ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектлари ва тадбиркорларни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг № 57 сонли «Товар ва хом ашё материалларни сотилиш механизмларини такомиллаштириш» ва Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ва Адлия Вазирлигидан 07.01.2011 йилда № 2178-сон билан рўйхатдан ўтган «Маҳсулотларни биржа савдоларига қўйиш ва қайта қўйиш тартиби» га асосан сотиш йўлга қўйилган.

Жамият маркетинг хизмати доимий равишда ички бозорни мониторинг қилиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдори, сифати ва турларини истеъмолчилар талабига мос келишини таҳлил қилиб боради.

Корхонанинг хусусияти, республика иқтисодиётидаги (жойлашган ҳудуддаги) ўрни, аҳамияти, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг стратегик аҳамияти, шунингдек, халқаро бозордаги мақеи ёритилади.

1.7 Жамиятда жорий этилган сифатни бошқариш тизими

Жамиятда маҳсулот ишлаб чиқариш Давлат стандартларга ва бошка техник - норматив ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади. Барча ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун алоҳида стандарт, техник шартлар мавжуд.

Жамият томонидан сифат масаласига жуда катта эътибор берилиб, ҳар куни ишлаб чиқариш лабораторияси томонидан маҳсулот сифати таҳлилдан ўтказилади. Жамият томонидан 2008 йилда O'zDSt ISO:9001 сифат тизими жорий этилди.

2018 йил 18 сентябрда O'Z DST ISO 22000 : 2009 (ISO 22000 : 2005) ва 2020 йил 28 август куни OzDst OzDst ISO 50001: 2015, 2020 йил 11 ноябрдаги № UZ.SMT .01.025.54249858, 2022 йил 06 майдаги № UZ.SMT.01.378.77738797, 2022 йил 17 августда № UZ.SMT.01.0041.81219097-сонли мувофиқлик сертификатлари олинган. Ҳозирда ушбу сифат тизими бўйича ишлар олиб борилмоқда.

«Сурхондарёдонмахсулотлари» акциядорлик жамияти томонидан ишлаб чиқариладиган барча маҳсулотларга Давлат Стандарт Қўмитаси томонидан ДАВЛАТ СИФАТ СЕРТИФИКАТИ берилган.

« Сурхондарёдонмахсулотлари » акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарадиган маҳсулотларга нарх белгилаш қўйидаги тартиб буйича белгиланади:

- Ун маҳсулотлари, омукта ем, уруглик бугдой маҳсулотларига таннарх режа калькуляция асосида амалга оширалади.

II. Жамиятни ислоҳ қилиш буйича тадбирлар

2.1 Истиқболли ривожланиш, стратегия;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-майидаги ПҚ-262-сонли «Ғаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 30-майидаги 284-сонли «2022 йил ҳосилидан бугдойни харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ижросини таъминлаш борасида. яъни қишлоқ хўжалигида, асосан галла харид қилишда Давлат буюртмасини тўлиқ бекор қилиш ва тўлиқ бозор механизмларига ўтиш, қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан етиштирилган дон маҳсулотларини 2022 йил 01-июлидан бошлаб, тўлиқ Республика товар хом-ашё биржаси савдолари орқали харид қилиш тартиби жорий қилганлиги сабабли, ун ва омукта ем маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми эркин биржа савдолари орқали сотилган ҳажмлар даражасида амалга оширилади. Жамиятнинг асосий ишлаб чиқариш маҳсулотларидан - ун маҳсулотлари ўзининг салмоғи бўйича биринчи ўринда туради. Корхонадаги тегирмонининг мавжуд ишлаб чиқариш қуввати бир суткада 300 тонна бугдойни қайта ишлашга мўлжалланган. Тегирмон биринчи навли, витамин-минерал қўшимча билан бойитилган ун маҳсулоти ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Ишлаб чиқарилган ун маҳсулотлари истеъмолчиларга 50 килограммли полипропилен қопларда қадоқланган ҳолда етказиб берилади.

Жамиятда тўлиқ реконструкция ва модернизация қилинган, бир суткада 60 тонна сифатли омукта ем маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цех ишламоқда. Омукта ем маҳсулотлари йирик шохли қорамоллар учун рецептлар бўйича ишлаб чиқарилади. Омукта ем цехи қошида хом-ашё ва тайёр маҳсулотларни сақлайдиган махсус омборхоналар мавжуд.

2.2 Ислоҳ қилиш мақсади ва босқичлари ва Ислоҳ қилишнинг 2023 йил учун режаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28-январидаги ПҚ-106-сонли «Қишлоқ хўжалиги экинлари уругчилигини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15-ноябридаги ПҚ-10-сонли «Ғаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18-

мартидаги ПҚ-168-сонли “Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги Қарорларида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш, ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлаш, галланинг керакли бўлган ҳажмидан ташқари давлат харидларидан тўлиқ воз кечиш ҳисобига инвестициявий жозибадорликни ошириш, галла донини биржа савдоларида чекловларсиз сотишга имкон яратиш мақсадида 2021-2022 йилларда “Ўздонмахсулот” АК тизимидаги дон корхоналарини галлачилик кластери ташкил этиш таклифини билдирган тадбиркорлик субъектларига сотиш учун баҳолаш ва фаолият йўналишини ўзгартирмаслик шартида очиқ савдоларга қўйиш; “Ўздонмахсулот” АК тизимидаги дон корхоналарига тегишли 20 та уруғлик дон тайёрлаш цехларини ушбу корхоналарнинг солиқ ва Жамгарма олдидagi қарздорлигини (улар бўйича ҳисобланган пенялар, шунингдек, объектни ўтказиш натижасида юзага келадиган солиқларни ҳам инобатга олган ҳолда) объектнинг баҳоланган қиймати миқдорига камайтириш ҳисобига Уруғчиликни ривожлантириш марказига бериш ва тўлиқ модернизация қилиш белгиланган. Юқорида кўрсатилган Қарорлар талабларига асосан, “Сурхондарёдонмахсулотлари” АЖга қарашли барча объектлар, бино ва иншоотлар, асосий воситалар, товар моддий қийматликларни Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини Бошқариш агентлиги томонидан баҳолаш ва оммавий биржа савдолариги чиқариш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

III. Бозор ва маркетинг режаси

3.1. Бозор таҳлили

“Сурхондарёдонмахсулотлари” акциядорлик жамияти барча ишлаб-чиқарилган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва Ҳукумат қарорларига асосан четга экспорт қилиши мумкин. Ун маҳсулотининг асосий истеъмолчилари нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектлари ва тадбиркорларни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №57 сонли «Товар ва хом ашё материалларни сотиш механизmlарини такомиллаштириш» ва Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ва Адлия Вазирлигидан 07.01.2011 йилда № 2178-сон билан рўйхатдан ўтган «Маҳсулотларни биржа савдоларига қўйиш ва қайта қўйиш тартиби» га асосан сотиш йўлга қўйилган.

Жамият маркетинг хизмати доимий равишда ички бозорни мониторинг қилиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдори, сифати ва турларини истеъмолчилар талабига мос келишини таҳлил қилиб боради.

Жамиятнинг маркетинг хизмати булими доимий равишда ички ва ташқи бозордаги маҳсулотларнинг сотиш бўйича нархлари, сифати, истеъмолчиларининг маҳсулот турларига булган талаблари ва эҳтиёжлари бўйича бозор талабларини урганиб боради. Шунингдек, ушбу талаблар ва эҳтиёжлар асосида маҳсулотларни

ишлаб чиқариш, сотиш буйича тадбирларни уз вақти ва муддатларида амалга оширишни таъмин қилиш учун бошқарув органига доимий маълумотларни тақдим этиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ғаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 28 майдаги ПҚ-262-сон қарорига асосан ун ва ун маҳсулотлари биржа савдолари орқали сотилиши белгилаб қўйилди. Омухта ем маҳсулоти биржа савдолари орқали сотилади.

3.2. Маҳсулот (хизмат)нинг асосий истеъмолчилари, таркиби

Асосий истеъмолчилар таркиби:

- “Денов Голд Стар Бизнес” МЧЖ -400 ем омихта ем
- “Самир Назар Сурхон” МЧЖ – 350 тн омихта ем
- ССС Голд МЧЖ – 500 тн омихта ем
- “Перфект бузизнес МИКС” МЧЖ – 200 тн омихта ем
- “Покиза” МЧЖ, “Салах Атия” МЧЖ – 200 тн ун маҳсулоти
- “Мирагзам Инвест Голд” х/к - 300 тн ун маҳсулоти
- “Самир Назар Сурхон” МЧЖ - 250 тн ун маҳсулоти

Охириги истеъмолчилар таркиби:

- “Силвер Минор Барака” Х/к - 5 тн ун
- Нурилом х/к - 5 тн ун
- “Термиз Парвоз” МЧЖ - 5 тн ун
- “Халол Таъминот” МЧЖ - 5 тн ун
- “Салах Атия” х/к – 5 тн ун

3.3. Рақобат

Рақобатчи корхоналар рўйхати ва мавқеи тўғрисида маълумот

т/р	Рақобатчи корхоналар номи	Ишлаб чиқариладиган маҳсулот номи	Ишлаб чиқариш қуввати тн/ой	Бозордаги эгалашиши мумкин бўлган мавқеи (%)
1	“Шурчидонмаҳсулотлари” АЖ	1-навли ун	17160	42,8
2	“Сити Термез Гроуп” МЧЖ	1-навли ун	1300	3,2
3	“Олтин Тегирмон Гроуп” МЧЖ	1-навли ун	1300	3,2
4	Бошка рақобатчилар	1-навли ун	4700	11,7
5	“Сурхондарёдонмаҳсулотлари” АЖ	1-навли ун	15600	39,1
	Жами:		40060	100,0

Жамият бозорни урганиш буйича жами ишлаб чиқариш хажмига нисбатан бир ойлик куввати буйича бозорда 39,1 % мавқеига эга булади.

Жамиятнинг 1 та ун ишлаб чиқариш янги Термиз ун тегирмони янги кувватда ишга туширилган булиб, йилига 64350 тонна бугдойни қайта ишлаш кувватига эга.

3.4. Маркетинг режаси

Жамият томонидан ун, талаб - таклифларга қараб уруғлик бугдой ҳамда чорва ва паррандалар учун юқори ташкилотлар томонидан белгиланган режа топшириқлари асосида маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Жамият томонидан қуйидаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

- витамин минераллари билан бойитилган биринчи навли ун
- йирик шоҳли корамоллар учун грануланган омухта – ем
- уруғлик бугдой
- қишлоқ хўжалики маҳсулотлари
- бошқа маҳсулотлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 ноябрдаги "Ғалла етиштириш ва сотишда эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларини жорий этиш тўғрисида" ги ПҚ-10 – сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида корхонамизда бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан:

Корхонамиз 2023 йил ғалла хосилини Дон кластерлари ва фермер хўжаликларидан Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг Тижорат вакили сифатида қабул қилди.

Ғалла хосили тоифаларга ажратилиб қабул қилиш белгилаб қўйилган, яъни Давлат захираси учун "Жамғарма хисоби" га, дон кластерлари ва фермер хўжаликларининг ғалласи "Вақтинча сақлаш" га ва корхона эхтиёжи учун "Эркин харид" сифатида харид қилиш кўрсатилган.

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ жамиятнинг 2025 йил учун "Бизнес режа" лойиҳасини кўриб чиқиш буйича ўтган йилларда бажарилган ишлар ва хизматлардан келиб чиққан ҳолда ва бугунги кундаги бозорларни ўрганиб чиқиб, биржа савдоларидан керакли бўлган бирламчи хом ашёларни сотиб олиш, ишчи ходимларни доимий иш билан таъминлаш, ойлик маошларини ўз вақтида бериш, белгиланган хисоботларни тегишли тартибда белгиланган жойларга тақдим қилиш солиқ ва бошқа тўловларни тўлаш, ишлаб чиқарилган маҳсулотлари биржа савдоларида белгиланган график асосида сотиш масалаларини ўрганиб чиқиб хар томонлама мукамал ишлар олиб боришмоқда.

Жамиятда 2025 йилда 1600 тонна бугдойни қайта ишлашдан 1200 тонна I навли ун ишлаб чиқариб, маҳаллий аҳолига ишлаб чиқариш ва сотиш режаси тасдиқланган.

2025 йилда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турлари ва миқдорлари куйидагича: I навли ун 1200 тонна, 256 тонна кепак, омухта ем ишлаб чиқариш 500 тонна, уруғлик бугдой 6565 тонна сотиш режаси тасдиқланган.

Ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш учун вилоятдаги фермер хужаликлари ва кластерлардан жамият билан узаро тузгилган шартномаларга асосан 110916 тонна товар дон, 10040 тонна уруғлик бугдой сотиб олинади.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар учун маҳаллий хом ашёдан 1600 тн бугдой сотиб олиш талаб этилади. Маҳаллий хом – ашёдан фойдаланиш маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини пасайтиради.

Омухта – ем ишлаб чиқаришда ҳам асосан маҳаллий хом – ашёдан фойдаланилади. Талаб ва таклифларга асосан ҳамда юқори таъминот томонидан белгиланган ишлаб чиқариш режа топшириги асосида қорамоллар учун омухта – ем маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Асосий эътибор ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ассортиментини яхшилаш, таклиф структурасини такомиллаштириш, уни талабга кўпроқ мос тушадиган ҳолатга келтиришга қаратилади.

Шундай қилиб, Маркетинг маҳсулот сифатига, унинг рақобатбардорлиги бўлишига қўйиладиган узига хос талаб, турли товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ундайдиган рағбат, аниқ талаб даражасини ҳисобга олиш ва маҳсулотларни бозор каналлари орқали мохирлик билан сотиш мақсадлидир.

Ҳозирги кунда ун, дон маҳсулотлари истеъмол бозорида соғлом рақобатни вужудга келтирмоқда. Жамият ушбу шароитда муваффақиятли иш юритиб келмоқда.

Дон ва ун маҳсулотларини сотиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 13 сентябрдаги «Мамлакатимиз аҳолисини ва иқтисодиёт тармоқларини рақобат ва бозор механизмларини жорий этиш асосида дон, ун ва дон билан ишончли таъминлаш чора-тадбирлари тугрисида»ги 731-сонли қарори, 2018 йил 15 сентябрдаги «Республика аҳолисини ва иқтисодиёт тармоқларини рақобат ва бозор механизмларини жорий этиш асосида дон, ун ва дон билан ишончли таъминлаш чора-тадбирлари тугрисида»ги №1-сонли баёни ва 2018 йил 17 сентябрдаги «Республика аҳолисини ун ва дон билан ишончли таъминлаш чора-тадбирлари тугрисида»ги № 2-сонли баёни ҳамда 2018 йил 28 сентябрда Республика Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган «Дон ва ун маҳсулотларини биржа орқали сотишни таъминлаш этиш масалалари тугрисида»ги № 01-03/1-2373-сонли йиғилиш баёнига ва Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 октябрдаги «Дон, ун ва дон етказиб бериш тизимига

бозор механизмларини тулик жорий этиш чора –тадбирлари тугрисида»ги № 866-сонли қарори асосида амалда оширилади.

Жамият уз фаолиятини давом эттириб Реклама хизматларини йўлга қўйган ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ассортиментини кўпайтириб, унинг сифатини яхшилаш, харидорларнинг зарурий талабларини қондиришга ҳаракат қилади.

Шу сабабли ҳозирги шароитдан келиб чиқиб ишлаб чиқариш ва савдони сифатини яхшилаш, яъни маҳсулот турларини кўпайтириш, шакл ва тўқун марказларидаги савдо шахобчалардаги савдо маданиятини ошириш устида асосий маркетинг изланишларини олиб бориш талаб этилади.

IV. SWOT-таҳлили

“Сурхондарёдонмаҳсулотлари” АЖ **SWOT-таҳлили** бу – жамиятнинг стратегик режалаштириш методи бўлиб, ташкилотнинг ички ва ташқи омилларини аниқлаш ва ушбу омилларни ташкилотнинг кучли ва кучсиз томонлари, имкониятлари, хавфларига ажратишдан иборат.

S – (strength) – кучли томонлари

W – (weakness) – заиф, кучсиз томонлари

O – (opportunitu) – имкониятлари

T – (treat) – тўсиқлар.

“Сурхондарёдонмаҳсулотлари” АЖ асосий маҳсулот ишлаб чиқариш бўлимлари бўлган ун тегирмони Термиз дон маҳсулотлари қабул қилиш шахобчаси ҳудудида 1 суткада 300 тонна бугдойни қайта ишлашга мулкшарикдор ун Тегирмон цехи ва 20 минг тонна ёпик сизим металл қонструкцияси қурилиши бўйича Туркия давлатининг энг йирик қорхоналаридан бири «Макина ва энержи» компанияси билан тузилган шартномага асосан тегирмон ва ёпик сизим ишга туширилди.

Термиз дон қабул қилиш шахобчаси ҳудудида Туркия давлатининг «Макина энержи» компанияси билан тузилган шартномага асосан бир кеча кундузда 60 тонналик ишлаб чиқариш қувватига эга булган омухта ем цехини модернизация қилинган ва ишга туширилган;

Термиз шахрида 1 суткада 300 тонна бугдойни қайта ишлайдиган тегирмон цехи ва 20 минг тонна бугдойни саклашга мулкшарикдор ёпик сизим қурилиши бўйича Туркия давлатининг “Макина ва Энержи” компанияси билан ҳамкорликда қурилиш монтаж ишлари бажарилди ва тегирмон ишга туширилди.

Малакали раҳбар ходимлар ва ишчи-хизматчилардан иборат жисс коллективни ташкил қилади. Ҳар қандай топшириқ ва вазифаларни қўполатли аъло даражада бажарилишини таъминлайди. Хом ашё ва материаллар билан тўлиқ таъминланган. Тўлов қобилиятига эга. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми чегаранмаган.

Бюджетга ҳисобланган солиқларнинг ўз вақтида тўланиши таъминланган. Жамиятнинг банк кредитларидан қарздорлиги мавжуд. Ҳисобланган иш ҳақи тўловлари ўз вақтида ишчи-ходимларга тўланмоқда, иш ҳақидан жорий қарздорлик мавжуд эмас. Жамиятда бутловчи ва эҳтиёт қисмлар умуман

импорт қилинмайди, ишлаб чиқариш бўйича барча зарур ва керакли бутловчи ва эҳтиёт қисмлар кооперация биржаси орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналардан 100 фоиз миқдорда харид қилинади.

Жамиятда энергия ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланиш мақсадида электрон онлайн ҳисоблагич(счётчик)лар орқали ҳудудий электр таъминоти корхонаси билан онлайн алоқа йўлга қўйилган. Жамиятда халқаро сифат менеджмент тизимлари ISO 22 000 ва ISO 50 001 стандартларини жорий этилган.

V. Энергоресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи

Жамият учун электро –энергия алоҳида подстанция орқали узатилади. Газ таъминоти шахар газ идораси орқали таъминланади.

Ишлаб чиқариш ва маиший хизмат учун зарур булган сув Термиз дон маҳсулотлари кабул қилиш шахобчаси ҳудудида жойлашган 1 та артезон кудугидан олинади.

Жамият учун зарур булган дизел ёкилгиси ва бензин тулик миқдорда биржа орқали сотиб олинади.

2024 йилда электр-энергия, газ ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун барча улчов назорат приборларини қайта тафтишдан утказиш ва уларни тугри ишлашини таъминлаш режаси таъинланди.

Корхона фаолияти учун зарур булган эҳтиёт қисмлар, материаллар, асбоб ускуналар, хом ашё ва моддий бойликлар жамият тендер комиссияси розилиги орқали сотиб олинади.

Жамият электр энергия ва сув ресурсларидан фойдаланилади. Истеъмол қуввати 1500 квт/соат эга. Электр энергиясига булган харажат 1000 тн ун бугдой маҳсулотини ун маҳсулотига айлантириши учун 71152 квт/соат электр энергиясини сарфлайди. Бу эса уртача хисобда 450 сумга қупайтирганимизда 32018400 минг сумни ташиқил қилади.

Жамиятда 2022 йил 5 октябр ойида энергия аудит утказилган. Унинг ҳулосасига қура жамиятда 1 тн ун маҳсулотини ишлаб чиқариши учун 94,6 квт/соат электр энергияси сарф қилади. Бу эса уртача хисобда 450 сумга қупайтирганимизда 42570 сумни ташиқил қилади.

Электр энергия сарфини камайтиришига чора тадбирлар қурилмокда. Шу жумладан, линияга реактив қувватни комписанцияловчи қурилмалар янгни конденциатор батерияларини урнатиш ва ун тегирмонининг ичкарисидаги электр ячейкаларида хам конденциатор батерияларини урнатишган.

Тежамкор ва замонавий технологиялардан фойдаланилган.

VI. Кўрсаткичлар

6.1. Ишлаб чиқариш режаси

6.1.1. Хомашё захираси

Ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун сарфланадиган асосий хом ашё тўғрисида маълумот ёзилиши керак, бунда хомашё захиралари, улар қаердан олинishi, хомашёни тайёрлаш технологияси, импортдан олиб келинадиган хом ашёлар ҳақидаги маълумотлар ёритилиши керак.

Жамият томонидан фойдаланиладиган конлар (ер ости табиий бойликлари), уларнинг захираси тўғрисидаги маълумотлар алоҳида ёритилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-майидаги ПҚ-262-сонли “Ғаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 30-майидаги 284-сонли “2022 йил ҳосилидан буғдойни харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари асосан, яъни қишлоқ хўжалигида, асосан ғалла харид қилишда Давлат буюртмасини тўлиқ бекор қилиш ва тўлиқ бозор механизмларига ўтиш, қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан етиштирилган дон маҳсулотларини 2022 йил 01-июлидан бошлаб, тўлиқ Республика товар хом-ашё биржаси савдолари орқали харид қилиш тартиби жорий қилинганлиги сабабли, жамият ўз эҳтиёжлари учун қайта ишланадиган барча дон маҳсулотларини Республика товар хом-ашё биржаси савдолари орқали харид қилади.

2025 йилда контрактация шартномаларига асосан агрокласстер хўжаликларидан дон қабул қилиш режаси

№	Туманлар номи	Агрокласстер хўжаликлари сони	Қабул қилинадиган дон ҳажми тн	Шу жумладан	
				Товар дон	Уруғлик дон
1	Ангор	2	19585	14453	5132
2	Жаркургон	2	24825	23212	1613
3	Музработ	1	32019	30900	1118
4	Термиз	1	10051	8859	1192
5	Шеробод	3	34476	33492	985
	Жами:	9	120956	110916	10040

Ишлаб чиқариш режаси аниқланган истеъмолчиларнинг талабларига ҳамда ишлаб чиқариш қувватларига асосан режаслаштирилади.

Жамиятда асосан 1 навли ун маҳсулоти, омукта ем ҳамда уруглик дон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Дон – жамият учун асосий хом-ашё деб ҳисобланади. Фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган дон – Жамгарма хисобига жамият элеваторига ҳамда шахобчаларга қабул қилиниб, биржа савдолари орқали жамгармадан сотиб олинади ва хом-ашё захираси яратилади.

Тайёр маҳсулотнинг асосий тавсифлари

Ун ишлаб чиқариш учун маҳаллий хом - ашё бугдой дони ишлатилади. Бугунги кунда ишлаб чиқариш ҳажми бир ойда 2500-3000 тоннани ташкил этади. Жорий бозор шароитлари шундайки, ушбу маҳсулот турига талаб катта ва доимийдир. Ишлаб чиқарилаётган уннинг сифати (органолептик таркиби, намлиги, майдалаш ҳажми, кул таркиби) UZ.SMT.04.023.08433 - сонли техник шартларига мувофиқлаштирилган. Ўз навбатида у қайта ишланадиган маҳаллий юмшоқ бугдой навига мўлжалланган.

Унни қадоқлаш, маркалаш, транспортда ташиш ва сақлашга O`zDSt 1104:2015 техник талабларига асосан амалга оширилади. Тайёр маҳсулот бир марталик полиэтилен қопларига қадоқланади. Барча тайёр маҳсулотлар 50 килограммлик полиэтилен қопларига қадоқланади. Полипропилен қопларини ишлаб чиқарувчилар ўртасида бозор рақобатининг қаттиқлиги сабабли нарх-наволар бир хилда. Шунинг учун тайёр маҳсулотларни қадоқлашда муаммолар йўқ.

Омукта ем хом-ашёсининг танқислиги туфайли асосан аралашма озуқа ишлаб чиқарилади. Омукта ем - аралашма озуқа таркибига: донли хом - ашё (тариқ, бўғдой, жўхори, маккажўхори, жавдар, арпа), минерал хом ашё (кальций фосфати, оҳактош уни), оқсил маҳсулотлари (пахта ва соя кунжараси, ҳайвон, балиқ уни, озуқа хамиртуриши), витаминли қўшимчалар (ўт - ўланли, премикслар). Барча озуқа аралашмалари таркиби кирувчи компонентлар ГОСТ ва техник шартлар билан тартибга солинган.

Омукта ем ишлаб чиқариш мақсадида маҳаллий заҳиралар ишлатилади (кунжара, ўсимлик уни, фосфатлар ва чиқиндилар, ишлаб чиқаришдан келиб чиққан кепак).

Омукта ем (аралаш озуқа) маҳсулотининг сифати амалдаги техник шартлари бўйича тартибга солинган.

6.1.2. Жорий (2 йиллик) ишлаб чиқариш ҳолати
